


«Каҳф» сурасининг фазли



16:40 / 12.04.2019 12957

Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким «Каҳф» сурасининг аввалидан ўн оятини ёдласа, Дажжолдан сақланади», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Термизийнинг лафзида:

«Ким «Каҳф» сурасининг аввалидан уч оятини ўқиса, Дажжолнинг фитнасидан сақланади», дейилган.

Бошқа бир ривоятда:

«Ким «Каҳф» сурасининг охиридан ёдласа, Дажжолдан сақланади», дейилган.

Абу Саъийд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким «Каҳф» сурасини Жумъа кечасида қироат қилса, унга икки Жумъа орасича нур зиё сочади», дедилар».

Бошқа нусхада:

«У билан Байтул Атийқ орасича нур зиё сочади», дейилган.

Ҳоким ва Байҳақийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифни далил қилиб, кўпчилик Жума куни «Каҳф» сурасини қироат қилишни одат қилиб олган.

Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳи «Каҳф» сурасини Жума куни қироат қилиш мандуб», деганлар.

«Каҳф» сураси ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир қанча ҳадиси шариф ривоят қилинган. Улардан баъзиларини эслаб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Имом Бухорий, имом Муслим ва имом Аҳмадлар ривоят қилган ҳадисда Абу Исҳоқ қуйидагиларни айтадилар:

«Ал-Барроснинг қуйидагиларни айтаётганини эшитдим:

«Бир киши «Каҳф» сурасини ўқиди. Ҳовлида ҳайвон бор эди. Ҳайвон безовта бўла бошлади. Одам қараса, уни булут ўраб турибди. Бўлган ҳодисани Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиб берган эдик, у зот:

«Эй фалончи, ўқийвер, у Қуръон тиловати учун тушган сакийнадир», дедилар.

Ҳофиз Абу Бакр ибн Мурдавайҳ Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким «Каҳф» сурасини Жума куни ўқиса, қиёмат куни унинг қадами остидан нур чиқиб, осмону фалакни ёритади ва унинг икки Жума орасидаги хатолари кечирилади», деганлар.

Шу маънода бир-бирини қувватловчи ҳадислар анчагина келган.

«Каҳф» сурасини ўрганиб чиққанымиздан кейин бу сурани тез-тез ўқиб туришга тарғиб этувчи ҳадисларнинг аҳамиятини яна ҳам кўпроқ тушунамиз.

Чунки бу сураи каримада ҳар бир инсон ҳаёти давомида учраши мумкин бўлган фитналар, мол-дунё ишқи, дунё ҳодисалари ва бошқа фитналар ҳақида, улардан четлашиш зарурлиги хусусида баҳс юритилган.

Демак, ҳар бир инсон мазкур фитналардан омон юриши учун ушбу ҳадиси шарифларга амал қилиб, ҳар куни «Каҳф» сурасининг аввалидан ўн оят, ҳар Жума аввалидан охиригача тадаббур ила тиловат этиб туришни ўзига вазифа қилиб олса, жуда ҳам яхши бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан